



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



МУНДАРИЖА :

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Фарход Ҳамидович Набиев Порахўрлик ва коррупциянинг хусусиятлари ва тараққийга таъсири	5
Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов Темурийлар даври нақшбандия тарихати вакили Хожа Алоуддин Аттор ўғитлари ва унинг фалсафий моҳияти	10
Ҳасан Абдусаитович Рахимов Меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари	15
Bekniyoz Baxtiyor o'g'li Suvonov Ho'jalik yurituvchi subyektlarda menhat sarfining iqtisodiy mohiyati va uning o'ziga xos xususiyatlari	18
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Фароғат Болтаевна Шакирова Инновацион иқтисодиётга трансформациялашув жараёнида айрим муаммолар ва уларни бартараф этишнинг аҳамияти	23
Азамат Абдукаримович Касимов Саноат ривожланишини эконометрик моделлар асосида тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	28
Тухта Даминович Маматкулов Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамлаштиришда саноат 4.0 нинг аҳамияти	33
Dilafuz Saidbaxromovna Saidaxmedova Tadbirkorlik subyektlarining raqamli kompetensiyasini oshirish imkoniyatlari	39
Шаҳноза Суёновна Рузиева Сунъий интеллект технологиялари ва уларнинг таълимни ривожлантиришдаги самараси	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Нилуфар Абдувахидовна Юлдашева Саноат корхоналарида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг концептуал асослари	47
Асроржон Ахроржон ўғли Илёсов Саноат маҳсулотлари экспортидаги асосий тенденциялар: миллий ва худудий таҳлил	52
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Шодиёр Абдихалилович Султонов Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари	56
Анвар Нематович Холиқулов Хизмат кўрсатиш корхоналарида сервис сифати ва маданиятини оширишга эришиш йўллари	62
Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva O'zbekiston temir yo'llari sharoitida vagon parkini aniqlashda qo'shimcha omillarni hisobga olish	65
Асқар Ахрорович Сиддиқов Умумий овқатланиш корхоналарида инновацияларнинг таснифланиши	69

8. Мамаюнус Пардаев. КОРРУПЦИЯНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ. Март 9. 2023, SamTVR | MTRK. // <https://telegra.ph/KORRUPCIYANING-NAZARIJ-TAL%D2%9AINI-03-09> 09.03.2023. 124. 18:34.
9. Мамаюнус Пардаев, Фарход Набиев. ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ. Март 31. 2023, SamTVR | MTRK. // <https://telegra.ph/PORAH%D0%8ERLIK-VA-KORRUPCIYANING-HUSUSIYATLARI-VA-TARA%D2%9A%D2%9AIYOTGA-TASIRI-03-31> 31.03.2023. 825. 12:48.

М.Пардаев, Ф.Набиев	M.Pardaev, F.Nabiev
Особенности взяточничества и коррупции и его влияние на прогресс	Features of bribery and corruption and its impact on progress
Аннотация: в статье рассматриваются вопросы особенности взяточничества и коррупции а также его влияние на развитие общества. При этом особое внимание уделяется на смысл взяточничества, природу коррупции, факторы, порождающие их и некоторые пути борьбы против них. Также даётся соответствующие предложения и рекомендации по этому вопросу.	Abstract: The article discusses the features of bribery and corruption, as well as its impact on the development of society. At the same time, special attention is paid to the meaning of bribery, the nature of corruption, the factors that cause them and some ways to fight against them. A corresponding proposal and recommendations on this issue are also given.
Ключевые слова: взяточничество, коррупция, бездуховность, безнравственность, взяткодатель, взятчик, должностное лицо, интересы народа, контроль, социальный контроль, социальный порядок.	Keywords: bribery, corruption, lack of spirituality, immorality, bribe giver, bribe taker, official, interests of the people, control, social control, social order.

Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов – СамИСИ, Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВАКИЛИ ХОЖА АЛОУДДИН АТТОР ЎГИТЛАРИ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

<p>Аннотация: Мақолада нақшбандия тариқатининг Темурийлар давридаги йирик намояндаси Хожа Алоуддин Аттор маънавий мероси, Марказий Осиё маънавий ҳаётидаги ўрнига оид маълумотлар ва унинг фалсафий моҳияти илмий жиҳатдан асослаб берилган. Темурийлар даврида тасаввуф, аниқроғи, хожагон-нақшбандия тариқатининг тавсифи масаласига асосий эътибор қаратилган.</p> <p>Калит сўзлар: Тасаввуф, нақшбандия, хожагон-нақшбандия, Хожа Алоуддин Аттор, мерос, маънавий мерос, ўғит, рисола, маданият, фалсафа.</p>

Кириш. Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш жараёнида тарихийликни манбаларга таяниб ўрганишга ва шу асосда маънавий меросга нисбатан муносабатни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу мақолада мазкур мероснинг муайян бир қирраси, аниқроғи нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан, унинг назарий жиҳатларини ривожлантирган ва ушбу таълимотдаги “Даст ба қор, дил ба ёр” шиорини назарий асослаган ва амалиётга жорий қилган таниқли шахслардан бири Хожа Алоуддин Атторнинг маънавиятимиз ривожигаги ўрни ва маънавий меросининг фалсафий моҳияти ёритилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Кейинги йилларда ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган қўлёзма асарлар^{1, 2, 3, 4} Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам хожагон-нақшбандия мавзуида анчагина илмий тадқиқотлар чоп этилди, айрим манбалар нашр этилди ва бу ҳолат нақшбандия тариқати жаҳон миқёсида ўрганилаётган долзарб мавзуга айланганидан далолатдир. Нашр қилинган ишлар Темурийлар даврида хожагон-

¹ Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фикристи. Тошкент, 1993.

² Хожа Муҳаммад Порсо. Мақомоти хожа Алоуддин Аттор. №2520/2 ҳижрий 964 (милодий 1556).

³ Али Сафий ибн Хусайн Воиз Кошифий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт. (№1788, 2155/II, 1908, 100).

⁴ Салоҳ ибн Муборак. Анис ат-толибин. (№2520/I). Манокиби хожа Баҳоуддин Нақшбанд. (№11594).

нақшбандия тариқати манбаларининг таҳлили, унинг амалий ва назарий томонлари, тарихнавислиги каби масалаларга бағишланган. Хусусан, О.Бўриев¹, Ю.Пауль², А.Муҳаммадхожаев³ каби олимлар рисола ва илмий адабиётларни ёзганлар. Аммо ушбу асарларда Хожа Алоуддин Аттор маънавий меросининг фалсафий моҳияти ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси. Нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Алоуддин Аттор маънавий мероси ва унинг фалсафий моҳиятини ёритишда объективлик, ретроспектив таҳлил, мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлиги, қиёсий таҳлил ва шу каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Тасаввуфий асарлар шакл жиҳатдан прозаик ва шеърий тарзда ёзилган бўлса, мазмунан ҳар хил: маноқиблар ва мақомотлар, машҳур тасаввуф намояндalarининг ҳаёти ва сўфийлик фаолияти, уларнинг маънавий камолот босқичлари ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар, тасаввуф назарияси, тасаввуфий атамалар изоҳидан иборат китоблардир. Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда яратилган тасаввуфий манбаларнинг аксари қисмини хожагон-нақшбандия тариқатига бағишланган асарлар ташкил қилади.

Маълумки хожагон таълимотиغا Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний (1103-1179) томонидан асос солинган бўлса-да, бироқ, у киши бу соҳада Абу Яъқуб ибн Айюб Ҳамадоний, яъни Хожа Юсуф Ҳамадонийдан (1049-1140) таълим олганлар ва унинг тўртта асосий халифасидан бири бўлганлар.

Салжуқийлар давлатининг ҳукмдори Султон Санжар даврида (1118-1157) Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ягона давлат, маъмурий-сиёсий бирлик таркибида бўлиши, маънавий ривожланишидаги муштараклик учун ҳам ижобий омил бўлди. Пойтахт Марв билан бир қаторда, Мовароуннаҳрдаги Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ҳам маданий-маънавий жиҳатдан юксалди. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг Хуросондан Мовароуннаҳрга келиши, маълум вақт Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида яшаганлиги ҳам худди шу даврга тўғри келади.

Юсуф Ҳамадоний Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимотини тарғиб қилиш билан шуғулланиб, кўплаб мурид-мухлислар орттирди. Уларнинг орасидан тўрт киши – Ҳасан Андоқий, Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний Юсуф Ҳамадонийнинг асосий халифалари бўлганлар. Юсуф Ҳамадоний тасаввуфга оид “Одоби тариқат”, “Инсон ва коинот ҳақида рисола” каби асарлар ёзгани маълум.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” рисоласида ёзилишича, мазкур шайхнинг тасаввуфдаги таълимоти негизидан ҳалол меҳнат билан кун кўриш, касб-кор билан шуғулланиш, камбағал-йўқсил, етим-есир, ғариб, бемор, муҳтожларга ёрдам бериш, ҳаром лукмадан ўзини тийиш, оддий ҳаёт тарзини касб қилиш, оддий халқ орасида юриб, уларга ҳамдард бўлиш, дилда Оллоҳ зикрини айтиб юриш каби тушунчалар ўрин олган. Ушбу тасаввуфий ўғитлар Мовароуннаҳрда Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний томонидан ривожлантирилиб хожагон тасаввуф таълимотининг шаклланиши учун замин бўлди. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ўғитларида маънавий камолотга интилиш, кибрдан узоқ бўлмоқ, тамаъ қилмаслик, сахийлик, халқпарварлик каби тушунчалар алоҳида қайд этилган. У баён этган саккизта қоида хуш дар дам, назар бар кадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёдқард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт кейинчалик нақшбандия тариқатининг асосий қоидалари бўлиб қолди. Шунингдек, хуфия зикр ва “даст ба кор, дил ба ёр” шиори ҳам хожагон таълимотининг таркибий қисмини ташкил этган.

Хожагон таълимоти Абдулхолиқ Гиждувонийдан сўнг Бухоро вилоятидаги бир қанча машойихлар – Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобои Саммосий, Сайид Амир Кулол, Хожа Юсуф Ҳамадонийдан

¹ Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. Тошкент, 1994.

Бўриев О. Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан. Рисола. Тошкент, 2009.

² Пауль Ю. Доктрина и организация Хваджаган-Нақшбандийа в первом поколении после Баха'ад-дина// Сб.: Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Санкт-Петербург, 2001. С. 114-199.

³ Муҳаммадхожаев А. Идеология нақшбандизма. Душанбе, 1991.

бошлаб ҳисоблаганда, еттинчи бўғинда Баҳоуддин Нақшбандга етиб келган. Хожагон таълимоти Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг халифалари томонидан давом эттирилди, янги босқичда ривожланди ва фанда хожагон-нақшбандия тариқати номини олди.

Баҳоуддин Нақшбанд хожагон таълимотини давом эттириб, ҳалол меҳнат билан кун кўриш, фақирона ҳаёт тарзини афзал билиш, қалб зикри (зикри хуфия) орқали маънавий жиҳатдан покланиб бориш каби тушунчаларни сўфийликдаги асосий йўл-йўриқ деб билди, хожагон таълимотини ривожлантириб, ундаги мавжуд саккизта қоида (қалимоти қудсия)га яна учта қоида (вуқуфи замоний, вуқуфи ададий, вуқуфи қалбий) қўшди.

Вуқуфи замоний – ҳар бир нафаснинг Оллоҳ ёди билан олинишидан воқиф бўлмоқ; вуқуфи ададий – зикрда маълум саноклар тартибига амал қилиш; вуқуфи қалбий – Оллоҳ ёдини қалбга муҳрлаш.

Нақшбандия тариқати Баҳоуддин Нақшбанднинг халифалари Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, мавлоно Яъқуб Чархий томонидан давом эттирилиб, унинг асосий қоидалари ёзма мерос шаклида таркиб топди ва мазкур тариқатнинг кейинги давомчилари томонидан ривожлантирилиб борилди. Нақшбандия тариқатининг шаклланиши ва ривожланиши XIV-XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда Амир Темур ва унинг авлодлари олиб борган давлатчилик фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни мўғуллар асоратидан халос этиб, мустақил давлат барпо қилганлиги, сўнгра йирик салтанат тузиб, сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш, фан ва маданият юксалиши учун мустаҳкам замин яратгани тарихдан маълум. Соҳибқирон ўз салтанатида улуғ шайхлар ва тасаввуф намояндаларига катта эътибор кўрсатган: Шамсиддин Кулол, Сайид Барака ва шайх Зайниддин Тойободийларга алоҳида ҳурмати бўлганлиги, улуғлар, жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий қабрлари устига мақбаралар қурдиргани ўша давр тарихий манбаларида ҳам қайд этилган. Бу анъанани унинг авлодлари давом эттирди ва Темурийлар даври маънавий юксалиши тарихда ўзига хос ренессанс шаклини олди. Нақшбандия тариқати ҳам ана шу даврда таълимот сифатида шаклланди ва ривожланди.

Ушбу мақолада биз нақшбандия тариқатининг йирик вакили бўлмиш Хожа Алоуддин Аттор маънавий мероси ва унинг фалсафий моҳиятига асосий эътибор қаратишни мақсад қилганмиз. Кўплаб алломаларимиз ва машойихларимиз қатори, бу кишининг ҳаётларига оид маълумотлар ҳам жуда кам. Бунинг сабаби, ўша аждодларимизнинг ўта хокисорлиги, камтарлигида бўлган, камтарлик эса улуғлик белгисидир. Ҳозирча бизга маълум манбалар юзасидан ҳукм юргизадиган бўлсак, Хожа Алоуддин Аттор тўғрисида Хожа Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” ва унга илова қилинган “Мақомоти хожа Алоуддин Аттор” (XV аср), Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг “Анис ат-толибин” (“Толибларнинг суҳбатдоши”; XIV аср охири), Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг “Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд” (XVI аср), Фаҳриддин Али Сафий ибн Хусайн Воиз Кошифийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмасидан қатралар”; XVI аср) асарларида баъзи бир маълумотлар келтирилган. “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” китобида қайд этилишича, асли хоразмлик Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий исмли кишининг учта ўғли бўлган. Улардан бирининг исми хожа Шихобуддин, иккинчисиники – хожа Муборак ва учинчисининг исми эса хожа Алоуддин экан. Ўғиллардан учинчиси отаси оламдан кўз юмгач, ўзига тегишли меросдан воз кечиб, Бухоро мадрасаларидан бирида илм ўрганишга киришади. Унинг илмга ихлоси, камтарлиги, оддийлиги Баҳоуддин Нақшбанднинг эътиборини тортади. “Рашаҳот” да келтирилишича, Хожа Баҳоуддиннинг битта қизи бўлиб, у билан Хожа Алоуддин оила қурганлар. У хожа Алоуддинни муридликка қабул қилиш учун унда валийлик ҳикматини кучайтиришга киришади. Ана шу мақсадда, Алоуддиннинг қўлига битта ёғоч сават тутқзади ва унга бир оз олма солиб, ялангоёқ Бухоронинг кўча-кўйларига, бозорларида кезиб, баланд овоз билан харидорларни чақириб олма сотишга буюради.

Хожа Алоуддин ўзига топширилган вазифани у киши айтгандай бажаради. Бироқ биродарлари хожа Шихобуддин ва хожа Муборак бой-бадавлат бўлганликлари сабабли, унинг бу ишидан анча хижолат тортадилар. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳолатдан хабар

топгач, олма саватини ўшаларнинг дўкони олдига қўйиб, баланд овоз билан харидорларни чақириб олма сотишга буюради. Хожа Алоуддин пири айтгандай савдо қилади. Маълум муддат ўтиб, хожа Алоуддин ўзига роса хокисорликни касб этади ва шундан кейингина Баҳоуддин уни тариқатга олиб киради ҳамда ботиний илмлардан таълим беришга киришади. Кейинчалик, Хожа Алоуддин Атторнинг биродарлари ҳам Баҳоуддин Нақшбандга мухлис бўладилар.

Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Алоуддин Атторни тариқатга олиб кирар эканлар унга кўп панд-насихатлар қиладилар. Жумладан, кунларнинг бирида Хожа Алоуддин Аттор бир дарвеш билан валийлик бобида улуғлик даъво қилиб, баҳса ғолиб чиқади. Баҳоуддин бу воқеани билиб қолиб Алоуддинга: “Агар менинг суҳбатимни истасанг, валийлик сифатидан кечишинг шарт”, - деб, уни манмансираш йўлидан қайтаради.

Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг “Анис ат-толибин” асарида ёзилишича: Баҳоуддин Нақшбанд дастлабки чоғларда, кўпинча Алоуддин Атторни ўз ёнларида олиб юрар эканлар. Бунинг сабабини сўраганларида, “Ундаги нафс бўйиси уни еб қўямасин”, деб шундай қиламан, - деган жавобни берибдилар. У кишининг вафотларидан сўнг муршидлик ўрнига Хожа Алоуддин Аттор ўтирганлиги ва унинг хузурига мухлислар келабошлаганлиги ҳам ушбу асарда таъкидлаб ўтилган. Умуман олганда, Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётликларидаёқ кўп мухлисларни унинг хузурига юборар эканлар.

Ўша давр ёзма манбалари маълумотлари таҳлилидан Хожа Алоуддин Аттор то Баҳоуддин Нақшбанднинг вафотларигача Бухорода яшаган, дейиш мумкин. Муҳаммад Порсонинг “Мақомоти хожа Алоуддин Аттор” рисоласида ёзилишича, Алоуддин Аттор Чағониённинг Дехнав деган жойида яшаганлар, лекин Бухородан бу ерга қачон, қандай шароитда келиб қолганлари маълум эмас. Юқоридаги маълумотлардан хулоса қиладиган бўлсак, Хожа Алоуддин Аттор Чағониён вилоятига Баҳоуддин Нақшбанд вафотларидан кейин, аниқроғи 1389-1392 йиллар оралиғида кўчиб борган бўлади. Чунки ушбу рисолада хижрий 798 йил шаъбон-рамазон (милодий 1393 йил июнь-июль) ойларида Баҳоуддин Нақшбанд қабрини зиёрат қилиш мақсадида Бухорога сафар қилганлари қайд этилган.

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Мақомоти хожа Алоуддин Аттор” рисоласида Алоуддин Атторнинг: “Агар умр боқий бўлса иншооллоҳ, улуғ Хожа (Баҳоуддин Нақшбанднинг) тариқатини жорий этгумдур”, - деган сўзлари бор. Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг “Анис ат-толибин” асарида ушбу фикрни тасдиқловчи шундай бир ҳикоят ҳам келтирилган.

“Алоуддин Аттор яна шундай демишлар: Шаъбон ойининг ўнинчисида сешанба кечаси мен туш кўрдим. Тушимда Баҳоуддин Нақшбанд кўпчилик билан ўтирган эдилар ва сўзлардилар, бироқ ўтирганлар тушунмасди. Камина у кишининг ёнларида эдим, менга қараб: “Бизнинг суҳбатимизда бўлдингиз, тариқатимизни англадингиз, энди ушбу тариқатдан бормоғингиз лозим”, - дедилар.

Алоуддин Аттор ушбу васиятга амал қилганлар ва нақшбандия тариқатининг ёзма меросга айланишида у кишининг хизматлари катта. Чунки Баҳоуддин Нақшбанд ўта камтарликларидан ўзлари ҳақларида ҳаётлик чоғларида китоб ёзишга рухсат бермаган эканлар. Алоуддин Атторнинг фандаги хизмати Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ўзи ва бошқалар билганларини ёздириб китоб қилиш ишига бош-қош бўлганидир.

“Рашаҳот” да қайд этилишича, Хожа Алоуддин Аттор айтган тасаввуф ва тариқатга оид ўғитлардан баъзиларини Хожа Муҳаммад Порсо йиғиб борган ва уларни Хожа Баҳоуддин ҳақида ёзган “Рисолаи қудсия” асарига қўшмоқчи бўлган. Бироқ кейинчалик бу қўшимча маълумотларни алоҳида рисола шаклига келтирган ва у фанда “Мақомоти хожа Алоуддин Аттор” номи билан маълум. Рисолада Хожа Алоуддин Аттор айтган маорифи қудсия, яъни ўғитларнинг кўп қисми Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида ўзида акс этади ва тасаввуфнинг назарий асосларига оид фикрлар, солиқнинг ҳақиқат сари боришида йўлда босиб ўтиши лозим бўлган манзилларда ўзини қандай тутмоғи лозимлиги шарҳлаб берилган. Жумладан, хайр ҳақида шундай дейилган:

“Хайр ҳақиқатсиз бўлмайди, у расмиятчилик эмас. Тоат агар расмиятчиликка қилин-

са, истиффор айтиш шарт, чунки бу ёмонликка оид ишдир; ундан кутулиш эса хайрдир. Бир кишига нисбатан “хайр бод” ёки “бахайр” (“хайрли бўлсин”) дейиш, аслида ўша кишини унинг мижозадаги ёмонликдан қутқаришни ва маълум сифат тилашни англатади. Бу сифат уни хайрга, яъни яхшиликка бошқаради, ахлоқини тузатади. У киши, ўша (яхши) сифатни асрамоғи лозим. Машойихлар суҳбатида кишида хайрга оид сифат ортиб боради. Суҳбат воситасида яхши сифатни ўзида орттириб борган кишини толиб дейдилар. Қўрқиб бу сифатни рад этган киши ҳақдан юз ўгирган бўлади”.

Агар юқорида келтирилган мисолга эътибор билан қарасак, нақшбандия таълимотидаги, қолаверса умуман тасаввуфдаги қатор кўрсатмалар халқ орасига ёйилиб, миллий маънавиятимиз ва тасаввуф фалсафасининг таркибий қисми бўлиб қолганини кўрамиз.

Ҳозирги “хайр” сўзи мисолида олиб қарайдиган бўлсак, халқ орасида “худо хайрини берсин”, “охири хайрли бўлсин”, “яхшиликка бўлсин”, деган иборалар жуда кўп ишлатилади. Демак “хайр” сўзи шунчаки оддий тушунча бўлмай, балки шахсда ҳақиқат сари, яъни Оллоҳ даргоҳига элтувчи, тобора ортиб бориши лозим бўлган яхши сифатни англатади. Нақшбандия таълимоти ҳақиқат томон етакловчи яхши сифатларни рад этган киши хайрдан, яъни яхшиликдан узоқлашади ва ҳақдан юз ўгирган бўлади, деб масалани қатъий қўяди. Шу сабабдан аждодларимиз хайрли ишлар қилиш, эл-юртга Оллоҳ йўлида яхшиликлар қилиш, эзгуликка интилиш лозимлиги ҳақида қайта-қайта уқтириб келганлар. Бу шунчаки панд-насихат бўлмай, балки Шарқ фалсафасининг туб моҳияти билан боғлиқ тушунчадир. Хожа Алоуддин Аттор бу тушунчани кенг талқин этиб:

- Илоҳий муҳаббат халққа шафқат туйғуси билан бир дилда ўрин олмоғи лозим, - деган эканлар.

Инсонпарварлик нақшбандия тариқати таълимотидан бевосита ўрин олган, бу ҳақда Баҳоуддин Нақшбанд ўғитларидан бирида ҳам қайд этилган; “Аҳлуллоҳ ўз хулқларини аъло даражага етказиш, бирорта дилни шод этиш мақсадида халқнинг оғирини енгил қиладилар. Кимки бир дилни шод айлар, унга ўша дилдаги Оллоҳ назаридан файз етажак” – деган экан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Инсонийлик, халқпарварлик каби туйғулар Шарқ фалсафаси, тасаввуф ва унинг асосчилари бўлмиш машойихларимиз меросининг негизини тапшил этади. Машойихларимиз халқ билан ҳамдард, ҳамнафас бўлиб яшаганлар ва ана шу садоқатлари эвазига халқнинг қалбидан ўрин олиб ҳурмат, эътиборга сазовор бўлганлар.

Алоуддин Аттор яна шундай ўғитлар айтганлар:

- қилган ибодатингизни ўнтасидан тўққизтасида ҳалолликни талаб қилинг;
- деҳқончилик ва боғдорчилик касби тижоратга қараганда (мушкулни яхшироқ) ҳал қилади;
- аҳлуллоҳ билан доим суҳбатда бўлиб туриш кишида фойдали ақлнинг кўпайишига сабаб бўлади;

Алоуддин Аттор ўзлари айтган ўғитларининг кўпи Баҳоуддин Нақшбандга мансуб эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтганлар. У киши ўз вақтида Баҳоуддин Нақшбанддан эшитган қуйидаги ўғит алоҳида ибратлидир: “Бизнинг тариқамиз суҳбат ва хилватда шуҳратдан иборат; омма орасидаги шуҳрат билимга офат келтиради”. Ушбу ўғит мазмунида илмнинг амалий аҳамияти, уни бевосита халққа етказиш, бу учун халқ билан мулоқотда бўлиб туриш, бироқ бу ишларни шуҳрат орттириш мақсадида қилмаслик керак. Чунки бундай шуҳрат кишини талтайтириб, билимдан узоқлаштиради, деган тушунчалар ётади.

Хулоса ва тақлифлар. Хулоса қилиб айтганда, Темурийлар даврида тасаввуфда нақшбандия тариқати кўп қиррали таълимот сифатида намоён бўлади:

- у ҳалол меҳнат билан кун кўриш, покликка интилиш, оддий ҳаёт тарзини касб этиш, илм эгаллашга рағбатли бўлиш;
- халққа меҳр-шафқатли бўлиш, эл-юрт учун хайрли ишлар қилиш, бировнинг дилини оғритмаслик каби туйғуларни илгари суради.

Ана шу маълумотларни кенг оммага жорий этиш замирида Хожа Алоуддин Атторнинг бевосита катта хизмати ётади. Шу сабабли, унинг номи Марказий Осиё халқ-

лари ижтимоий-фалсафий меросидан муносиб ўрин олди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Накшбандия тариқатига оид кўлёмалар фикристи. Тошкент, 1993.
- 2.Хожа Муҳаммад Порсо. Мақомоти хожа Алоуддин Аттор. №2520/2 ҳижрий 964 (милодий 1556).
- 3.Али Сафий ибн Хусайн Воиз Кошифий. Рашахот айн ал-ҳаёт. (№1788, 2155/II, 1908, 100).
- 4.Салоҳ ибн Муборак. Анис ат-толибин. (№2520/I). Маноқиб хожа Баҳоуддин Накшбанд. (№11594).
- 5.Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. Тошкент, 1994.
- 6.Бўриев О. Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан. Рисола. Тошкент, 2009. –Б.35-43.
- 7.Пауль Ю. Доктрина и организация Хваджаган-Накшбандийа в первом поколении после Баха’ад-дина// Сб.: Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Санкт-Петербург, 2001. С. 114-199.
- 8.Муҳаммадхожаев А. Идеология накшбандизма. Душанбе, 1991.

<p>Ш.Урозов</p> <p>Учение Ходжа Алауддина Аттора, представителя тариқата накшбандия темуридского периода и его философская суть</p> <p>Аннотация: В статье научно обосновываются сведения о духовном наследии Ходжи Алауддина Аттора, великого представителя тариқата Накшбандия в тимуридский период, его месте в духовной жизни Средней Азии, его философской сущности. В период Тимуридов основное внимание уделялось вопросу описания суфизма, точнее тариқата ходжагон-накшбандия.</p> <p>Ключевые слова: Суфизм, накшбандия, ходжагон-накшбандия, Ходжа Алауддин Аттор, наследие, духовное наследие, Темуриды, образование, трактат, культура, философия.</p>	<p>Sh.Uroзов</p> <p>Teachings of Khoja Alauddin Attor, a representative of the Nakshbandi tariqat of the Timurid period and its philosophical essence</p> <p>Abstract: The article scientifically substantiates information about the spiritual heritage of Khoja Alauddin Attor, the great representative of the Naqshbandi tariqat in the Timurid period, his place in the spiritual life of Central Asia, his philosophical essence. During the Timurid period, the main attention was paid to the issue of describing Sufism, more precisely, the Khodjagon-Naqshbandi tariqa.</p> <p>Keywords: Sufism, Nakshbandiya, Khojagon-Nakshbandiya, Khoja Alauddin Attor, heritage, spiritual heritage, Temurids, education, treatise, culture, philosophy.</p>
---	--

Ҳасан Абдусайтович Рахимов – СамИСИ доценти, PhD

**МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ
МАЗМУНИ БИЛАН БОҒЛИҚ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

<p>Аннотация: мақолада меҳмонхона хўжаликларидида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари, айниқса “Меҳмон”, “Меҳмонхона”, “Меҳмонхона хўжалиги”, “Меҳмонхона хўжалиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар”, “Меҳмонхона индустрияси”, “Меҳмонхона бизнеси” тушунчалари моҳияти ёритиб берилган.</p> <p>Калит сўзлар: Меҳмон, меҳмонхона, меҳмонхона хўжалиги, меҳмонхона хўжалиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар, меҳмонхона индустрияси, меҳмонхона бизнеси.</p>
--

Кириш. Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиш ва ривожланишига эътибор асосан давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин бошланди. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда туризм ва у билан бевосита боғлиқ бўлган меҳмонхона хўжалиги хизматларини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Туризмни ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий механизмлар яратилиб, ҳукуватимиз томонидан тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу йўналишдаги ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди ва қилинмоқда.

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023